


Обод ва файзли маҳалла - юрт кўрки



Айни вақтда ҳашарда 12 минг 200 нафардан ортиқ тумандошларимиз иштирок этишаётган бўлиб, улар томонидан 30 гектардан ортиқ майдон, 82 та кўча ободонлаштирилди, 20 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, 41 та қабристон тартибга келтирилди.





“Яшил ҳудудлар” яратиш ишлари доирасида 217 минг дона қаламчалар 55 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 3 минг 840 туп гул кўчатлари экилди. 2 минг 200 туп дарахтга шакл берилиб, оқланди. 11 дан ортиқ махсус техника воситалари ёрдамида 40 тонна маиший чиқинди махсус жойларга ташиб чиқарилди.

